



# Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences

Journal home page:  
<http://ijournal.uz/index.php/jartes>



Journal of Academic Research and  
Trends in Educational Sciences  
(JARTES)

VOL. 2, ISSUE 1

ISSN 2181-2675

[www.ijournal.uz](http://www.ijournal.uz)

## AREAS OF DEVELOPMENT OF FLEXIBILITY COMPETENCE OF THE TEACHER OF EDUCATIONAL SCIENCE

Sayyora Turaeva<sup>1</sup>

*Surkhandarya Region National Center for Training Pedagogues in New Methods*

### KEYWORDS

conversation, forum, master class, thematic video conference, seminar tutorial, article, textbook, program, new form of teaching, method, lecture, didactic materia, tests, methodological recommendation

### ABSTRACT

The article explored the forms of flexibility competence awareness and ability to use a number of methods to critically assess one's own work experience, professional, personal qualities. By researching whether an educator can give a subjective assessment of himself and his activities, design his own personality and professional activities, the main goals for the development of professional competence of teachers were set.

2181-2675/© 2023 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: 10.5281/zenodo.7771665

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

<sup>1</sup> Senior teacher of the Surkhandarya region national center for training pedagogues in new methods, Surkhandarya, Uzbekistan ([sayvoratorayeva4@gmail.com](mailto:sayvoratorayeva4@gmail.com))

# ТАРБИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИННИГ МОСЛАШУВЧАНЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## KALIT SO'ZLAR:

сұхбат, форум, мастер-класс, тематик видеоконференция, семинар ўқув құлланма, мақола, дарслік, дастур, ўқитишининг янги шакли, метод, маъруза, дидактик материа, теслтлар, методик тавсия

## ANNOTATSIYA

Мақолада мослашувчанлик компетенциясини англаш ва ўз иш тажрибаси, касбий, шахсий фазилатларини танқидий баҳолаш учун бир қатор усуллардан фойдалана олиши шакллари тадқиқ қилинди. Педагогнинг ўзига ва фаолиятига субъектив баҳо бера олиши, ўз шахсиятини ва касбий фаолиятини лойиҳалаштиришини тадқиқ этиш орқали ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари белгиланди.

Тарбия фани Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан умумий ўрта таълим муассасаларида 2020-2021-ўқув йилидан бошлаб жорий қилинди. Ушбу фан “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” нинг бир қисми сифатида ўқувчиларда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини сингдириш, уларни ижтимоий муваффақиятли ҳаётга тайёрлаш, фаол фуқаролик позицияси, масъулият, мажбурият, хукуқий онг ва маданият, теран дунёқарааш, соғлом эътиқодлилик, маърифатпарварлик, бағрикенглик каби фазилатларни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

Бу мақсад ва вазифаларни ҳал қилишда малака ошириш курсларнинг ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқиш ва уларни инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш, педагогик шарт-шароитлар яратиш ва ўқитишининг сифат ва самарадорлигини оширишда аралаш таълим (Blended Learning) технологияларини қўллаш долзарб ҳисобланади.

Тарбия фани ўқитувчилари томонидан таълим соҳасини англаш, мақсад ва мазмунини тушуниш ҳамда қабул қилиш учун шарт-шароитларни яратиш, тарбия фани ўқитувчининг мустақил, шахсий аҳамиятга эга касбий ривожланиш жараёнига киритилиши таълим тизимининг асосий ўзгариш механизмига айланади.

Тарбия фани ўқитувчининг энг муҳим вазифаси бу ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳисобланади. Лекин фақат мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш компетентлигига эга ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида ўқувчини тўлиқ ривожлантира олади.

Амалиётда ўқитувчининг касбий мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш жараёни зарур психологияк-педагогик ёрдамсиз амалга оширилмайди, чунки тарбия фани ўқитувчи тегишли воситагаларга эга эмас ва мустақил равишда малака ошириш шарт-шароитларини ташкил эта олмайди.

Мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш мазмуни малака ошириш ва қайта тайёрлаш орқали билиш фаолиятини қондиришда, тарбия фани ўқитувчининг мослашувчанлик компетенциясини ривожланишини ўсиб боришида

ифодаланади. Малака оширишга оид педагогик тадқиқотларда мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш касбий ривожланишнинг фаол шаклларидан бири сифатида эътироф этилади.

Мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш жараёни бошқа таълим жараёнларига нисбатан самарали ҳисобланади, чунки ўз билимлари, кашфиётлари, хатолари орқали мустақил равишда олинган билим ва тажрибаларни ривожлантириш жараёнида шахс ҳар томонлама такомиллашиб боради.

Тарбия фани ўқитувчининг мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш жараёни турли даражалар билан тавсифланиши мумкин:

– биринчи даража (паст мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш) тарбия фани ўқитувчи ўзининг касбий фаолиятига ижобий муносабатда бўлиб, ўз фаолиятидан қониқади.

Бу босқичда тарбия фани ўқитувчида мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш учун ички мотивацияси жуда паст даражада бўлади; у ўзини ўзи таҳлил ва ташхис қилиш ҳамда ўз касбий фаолияти ва унинг натижаларини баҳолашга эҳтиёж сезмайди; касбий вазифаларини асосан, стандартга мувофиқ амалга оширади; психологик-педагогик билимлардан шахсий ва касбий ривожланиш воситаси сифатида фойдаланмайди.

– иккинчи даража (етарли даражада мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш) – тарбия фани ўқитувчи томонидан ўз ўқув фаолиятининг шахсий аҳамиятини юқори баҳолаш ва мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш зарурлигини намоён этиш билан ажralиб туради; мақсадларни нисбатан аниқ белгилайди; мослашувчанлик фаолиятида баҳолаш қобилиятини қўллайди; ўзини фаолияти ва шахсига ўзгартириш киритиш мақсадида диагностик усуllардан фойдалана олади;

– учинчи даражада (юқори даражадаги мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш) ;

-тарбия фани ўқитувчи педагогик фаолиятни қадрият сифатида қабул қиласди ва мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш жараёнини амалга оширади;

-тарбия фани ўқитувчи мослашувчанлик компетенциясини ривожлантиришни шахсан муҳим ва қадр-қимматга йўналтирилган муносабат сифатида тан олади ва қабул қиласди;

-мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш муҳимлигини англаиди;

-ўз ҳаётий фаолияти учун субъект позицияси доирасида мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш механизми ва мазмунига эга;

-мослашувчанлик компетенциясини англаш ва ўз иш тажрибаси, касбий, шахсий фазилатларини танқидий баҳолаш учун бир қатор усуllардан фойдалана олади; ўзига ва фаолиятига субъектив баҳо бера олади;

-мослашувчанлик компетенциясини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларини мустақил ва оқилона шакллантира олади;

-мослашувчанлик компетенциясини рефлексиялаш асосида ўз шахсиятини ва касбий фаолиятини лойиҳалаштиришига олади;

-мослашувчанлиқда ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қодир.

Мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш жараёнида тарбия фани ўқитувчи турли хил ахборот манбаларидан фойдаланиши мумкин: адабиётни ўрганиш, телекўрсатувларни ёки видео роликларни томоша қилиш, малака ошириш курсларини ўташ, семинарлар ва конференцияларда иштирок этиш, ҳамкаслар билан тажриба алмашиш ва ҳ.к.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш шартларини ўзгариради. Махсус алоқа дастурлари орқали онлайн равишда мулоқот қилиш, сұхбатлар, форумлар, мастер-класслар, тематик видеоконференциялар, семинарларда иштирок этиш имкониятлари билан интернет тармоғи мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда тарбия фани ўқитувчиларнинг виртуал бирлашишига ёрдам беради.

Ҳар бир тарбия фани ўқитувчининг мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш учун ўзига хос эҳтиёжлари мавжуд, чунки улар турли омиллар таъсирида: шахс тузилиши, қизиқишилари, илмий, психологик, педагогик ва махсус тайёргарлик, умумтаълим даражаси; педагогик тажриба, ривожланиш даражаси ва бошқалар шаклланади.

Тарбия фани ўқитувчининг мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш самарадорлиги қуйидаги психологик ва педагогик жараёнларга боғлиқ: шахснинг мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш эҳтиёжи бажарилса, тарбия фани ўқитувчи ўзини баҳолай олса, мослашувчанлик коэффициентини билиши ва мослашувчанлик компетенциясини таҳлил қилиш усуулларига эга бўлса, ўзаришларга тайёр бўлса, ўз ҳаракатларини, ҳис-туйғуларини тушунишга ва фаолиятини таҳлил қилишга қаратилган, рефлексив қобилиятига эга бўлса. Умумий таълим, илмий, психологик, педагогик ва методик йўналишларни ўз ичига олган ўзини ўзи ривожлантириш дастурлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.



**1.1-расм. Тарбия фани ўқитувчининг мослашувчанлик компетенциясини ривожлантириш йўналишлари (1.1-расм):**

Таълим сифатининг ошиши, тарбия фани ўқитувчилар билан билан ўзаро муносабатлар мустаҳкамланиши, ўқув қўлланмалар, мақолалар, дарсликлар, дастурлар яратса олиши, ўқитишининг янги шакл, методлари, маъruzalар, дидактик материаллар, тестлар, методик тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллай олиши каби билим, малака ва қўникмалар ўқитувчининг ўзини ўзи ривожлантириш жараёни натижасида вужудга келади:

Таълим тизими ривожланишининг замонавий шароитида тарбия фани ўқитувчиларнинг узлуксиз педагогик таълимини таъминлаш зарурияти энг долзарб муаммога айланмоқда. Бу борада турли мазмундаги ва ташкилий шакллари билан ажралиб турган малака ошириш курслари оммалашиб бормоқда.

Малака ошириш тизимининг асосий афзаллиги тингловчи мутахассис тарбия фани ўқитувчиларидан малакали ёрдам олиш имконияти ҳамда ҳамкаслар ўртасида тажриба алмашиш имконияти мавжудлиги ҳисобланади.

Масофавий таълим орқали мустақил таълим олишнинг назарий масалалари муаммоси юзасидан Н.Муслимовнинг тадқиқот ишларида кўриб чиқилган.

Н.А.Муслимов ишида масофавий таълимнинг мақсадга мувофиқ моделини танлаш, ўқув материаллари тўпламини тайёрлаш, моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, режалаштириш ва уни ташкил этиш масалалари тадқиқ этилди.

### **Фойдаланилагн адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289-сон қарори // Халқ сўзи. – Т., 2017. – 27 сентябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли фармони.

3. Назарова Б.А. Бўлажак ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялаш: Пед. фанл. д-ри ... Дис. – Т., 2018.

4. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Т., 2007.